

Ортиб қолган овқат

08:42 / 24.12.2018 2298

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, онам боғчада овқат тайёрловчи бўлиб ишлайдилар. Уйга қайтаётганларида ортиб қолган нон ёки убу нарсалар бўлса олиб келадилар. Ман неча мартаба айтдим обкелманг десам улар барибир ортиб қолганку увол бўлади барибир, ман олиб келмасам ташлаб юборишади дийдилар. Уларга ахир бу болаларнинг хаққи уларнинг ота-оналаридан сўраш керак десам хам унамаяптилар.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Ота-оналаридан розилик сўраши шарт. Акс ҳолда охирада жавоб беради. Валлоҳу аълам!